

ЁШЛАРДА ИНТЕЛЛЕКТУАЛ САЛОХИЯТ, СУНЬИЙ ИНТЕЛЛЕКТ ТУШУНЧАЛАРИНИНГ МАЗМУНИ ВА УЛАРГА ЯНГИЧА ПРОГМАТИК ЁНДАШУВ



<https://doi.org/10.24412/2181-1784-2025-24-216-227>

Т.Султонов,

Тошкент давлат иқтисодиёт университети

“Фалсафа” кафедраси профессори,

фалсафа фанлари доктори,

Турон фанлар академияси академиги,

Мухаммаджон Раҳимов,

Наманган Бизнес ва таълим университети

“Ижтимоий-гуманитар фанлар” кафедраси

профессор в.б., фалсафа фанлари доктори (DSc)

АННОТАЦИЯ

Уибу мақолада жамият цивилизацион тараққиётида истеъдод құдратлы күчга әга бўлиб, мамлакатни тараққиётга олиб келиши, ёхуд салбий таъсир этиб, таназзулга юз тутиши ҳам мумкин. Шу боисдан ҳам мақолада ёшларда истеъдод, сунъий интеллект, интеллект, маънавият тушунчаларининг мазмун-моҳияти ва уларга янгича прогматик ёндашув “инсон-жамият-давлат” гояси асосида истеъододнинг ижобий фазилатлари баён этилган.

Калим сўзлар: жамият цивилизацион тараққиёти, истеъдод, иқтидор, сунъий интеллект, маънавият тушунчалари, билим, кўникма, малака, тажриба, прогматик ёндашув.

ИНТЕЛЛЕКТУАЛЬНАЯ КОМПЕТЕНТНОСТЬ МОЛОДЁЖИ, СОДЕРЖАНИЕ ПОНЯТИЙ ИСКУССТВЕННОГО ИНТЕЛЛЕКТА И НОВЫЙ ПРОГРАММНЫЙ ПОДХОД К НИМ

АННОТАЦИЯ

В этой статье также утверждается, что талант в развитии цивилизации общества обладает мощной силой, которая может привести страну к прогрессу или, что негативно, к упадку. Поэтому в статье описываются положительные качества одаренности молодежи на основе содержания и сутиности понятий одаренности, таланта, интеллекта,

духовности и нового прогматического подхода к ним, идеи "Человек-общество-государство".

Ключевые слова: развитие цивилизации в обществе, одаренность, искусственный интеллект, интеллект, понятия духовности, знания, умения, компетентность, опыт, прогностический подход.

INTELLECTUAL COMPETENCE IN YOUNG PEOPLE, THE CONTENT OF THE CONCEPTS OF ARTIFICIAL INTELLIGENCE AND A NEW PROGRAMMATIC APPROACH TO THEM

ABSTRACT

This article also argues that talent in the development of a society's civilization has a powerful force that can lead a country to progress or, negatively, to decline. Therefore, the article describes the positive qualities of youth giftedness based on the content and essence of the concepts of giftedness, talent, intelligence, spirituality and new prognostic approach to them, the idea of "Man-society-state".

Keywords: development of civilization in society, giftedness, talent, artificial intelligence, concepts of spirituality, knowledge, skills, competence, experience, predictive approach.

Ёшлар интеллектуал салоҳиятини ривожлантиришнинг назарий асосларига таъсир этувчи омиллардан бири, бу ижтимоийлашув жараёнидир. Ёшларнинг ижтимоийлашуви бир томонидан ижтимоий муносабатларга таъсир кўрсатса, иккинчи томондан ёшлар ана шу муносабатларга кириб борар экан, уларнинг таъсири остида ўзгариб боради. Ана шу икки томон жамият ҳаётининг барча даврларида муҳим ўрин эгаллайди. Янги Ўзбекистонда ёшлар интеллектуал салоҳиятини ривожлантиришнинг асоси бўлувчи назарий манбалар қўйидагилардан иборат:

1. XXI аср цивилизацион тараққиётида ёшларнинг ўзига хослиги ва уларнинг ижтимоий жараёнлар билан алоқадорлиги. Айтиш жоизки, цивилизация тушунчаси XVIII асрда маданият тушунчаси билан узвий боғлиқ равишда пайдо бўлган. Француз файласуфлари «цивилизация» деганда жамиятнинг моддий-техник ютуқларини, «маданият» деганда эса факат унинг маънавий қадриятларини тушунган. Цивилизация – инсон маданиятининг муайян жойда (фазода) эришган энг юқори ютуқларини ифодаловчи маданий муҳит[1:1]. Шу боисдан ҳам цивилизация инсоннинг меҳнат тақсимоти, давлатнинг мавжудлиги, бозор иқтисодиёти, ривожланган

маданиятнинг ўзига хослиги билан боғлиқ. Цивилизацион жараёнлар айнан айнан ёшлар ҳаёти билан узвийликда акс этади.

Ёшлар – жамиятдаги ижтимоий-демографик гурӯҳ, инсон умрининг муайян даврида яшаётган, етукликнинг қарор топиши, катталар оламига кириш ва унга мослашшиш каби ўзига хос хусусиятлар билан тавсифланадиган тушунчадир[2:2]. Ҳозирги вақтда юртимизда 6 миллионга яқин ўғил-қизлар мавжуд бўлиб, улар Янги Ўзбекистон тараққиётининг мустаҳкам таянчи ва суюнчидир.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев «Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси» асарида янги аср – интеллектуал ёшлар асли, деб таъриф бериб, бу аср кишилари нафақат соғлом, баркамол, етук бўлиб камол топиши, балки ақл, онг, зеҳн, фикрлаш, ҳиссий ва интеллектуал билиш қобилиятига эга мукаммал шахс сифатида ривожланиши зарурлигини баён этдилар.

2016 йилда «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги қонун қабул қилинди[3:3]. Ёшлар иттифоқи тузилиб, унинг самарали фаолияти йўлга кўйилди. Бир неча бор Ёшлар форумлари ўtkазилиб, мамлакатимизда ҳар йили 30 июнь – «Ёшлар куни» этиб белгиланди. Ёшларга оид давлат сиёсатининг асосий йўналишлари белгилаб олинди. Дарҳақиқат «Янги авлодни тарбиялаш – халқни тарбиялаш деганидир».

2. Буюк алломаларнинг маънавий баркамоллик илмий билимлар, истеъдод, зеҳн, ақлий қобилият, ижодий ишларга оқилона турлича ёндашув. Глобаллашув шароитида инсон интеллектуал салоҳияти, ҳиссий, маънавий ва ахлоқий фаолияти орқали билим, ақл-заковатга эришади. Бу жараён тарбия, билим, тажриба, қадриятлар, ҳаётдан олинган ижобий сабоқлар орқали салоҳият асосига айланади. Салоҳият эса инсоннинг кўп қиррали қобилияти, чидами, ишончи, шиҷоати, иқтидори, изланиши ва интилиши, кураши орқали ривожланади. Охир-оқибат ҳар бир инсон ақл-заковат, қобилият, ироди, зеҳн, иқтидор, етуклик, камолотга чорловчи интеллектуал салоҳият эгаси, қадриятларни ўзида мажассамлаштирган етук қадрият соҳибига айланади[4:4]. Демак, ўз фаолияти ва турмуш тарзида юксак умуминсоний, миллий ва шахсий қадриятларни мужассамлаштиради.

Минтақамиздаги биринчи Ренессанс алломаларидан бири «Муҳаммад Мусо Хоразмийнинг илм-фан соҳасига қўшган улкан ҳиссасини, умуминсоний тараққиёт ривожида қандай аҳамиятга эга бўлганини барчамиз яхши биламиз.

Хорун ар-Рашид (хукмронлиги даври 786-809 йиллар)нинг ўғли Маъмуннинг Хоразмга (802-805) ноиб этиб тайинланганлиги ва ўзига тенгдош Хоразмийни яқин сафдошлари сафига қўшганлиги бўлажак

олимнинг кейинги тараққиётида ҳал қилувчи роль ўйнади. Маъмун Боғдодда «Байт ул-Ҳикма» (илмлар уйи)га асос солиб, ўз даврининг етук олимлари, таржимонлари, шоиру фузалоларига ҳомийлик қила бошлади. «Байт ул-Ҳикма»га дўсти Хоразмийни бошлиқ этиб тайинлади. Хоразмий бу лавозимда умрининг охиригача фаолият олиб борди. Хоразмийга дастлабки буюк шуҳратни «Ҳисоб ал-Ҳинд» («Ҳинд ҳисоби») номли рисоласи олиб келди. Мазкур рисолада жаҳон фани тарихида биринчи марта ўнлик позицион система ва унинг амалий аҳамияти ҳақида сўз борди. Хоразмийнинг ўнлик саноқ системаси инсониятга чексиз қулай имкониятлар яратиб берди. Агар бу саноқ системаси бўлмаганида илмий тафаккур бу даражада такомил топиши амримаҳол бўларди. Хоразмий тўққиз белгидан иборат ҳинд рақами ёрдамида чексиз миқдорларни қайд этувчи ва уни осонлик билан ифодаловчи саноқ системасини кашф этди. Ҳиндларнинг 9 белгидан иборат рақамлар тизими мукаммал саноқ тизимига айланиши учун «0» («цифр») кашф этилиб, ўз ўрнига қўйилиши керак эди. Хоразмий томонидан «0» (нул сифр)нинг кашф этилиши инсоният илмий тафаккурининг бекиёс ютуқларидан биридир. Хоразмий томонидан ёзилган «Ҳисоб ал-Ҳинд» китобида энг муҳим олтида амаллар – қўшиш, айриш, кўпайтириш, бўлиш, даражага кўтариш ва квадрат илдиз чиқариш кабилар ишлаб чиқилган ва уларнинг услуг ҳамда қонуниятлари кашф этилган эди. Хоразмий бу ишларга бевосита раҳбарлик қилган. Хариталар «Мажмуи ал-Маъмун», «Дунё ҳаритаси» номи билан юритилган ва у 840 йиллар атрофида ниҳоясига етказилган. Шу муносабат билан Хоразмий жуғрофияга оид «Китоби сурат ал-арз» номли асар яратган. Бу асарнинг ягона нусхаси (қўлёзма ҳолида) Қоҳирадан топилган[5:5]. Баъзи манбаларда кўрсатилган 22 та харитадан факат 4 таси сақланиб қолган. Хоразмий ер юзини «Авесто» таълимоти бўйича 7 иқлимга бўлиб ўрганишни тавсия қиласди. Хоразмийнинг юлдузлар жадвали фанда «Хоразмий зижи» номи билан машҳур. Мазкур жадвалнинг тахминан учдан бир қисми ал-Фарғоний зижида тўлиқ берилган бўлиб, Фарғоний асарлари орқали Европага кенг тарқалган. Унинг тарихга оид асарлари, хусусан, «Хоразмнинг машҳур кишилари» номли асар ёзганлиги ва бу асардан Абу Райхон Беруний тўртта кўчирма олганлиги маълум. «Хоразмий ўз асарлари билан Шарқ ва кейинроқ Европа риёзиёти илмига асос солди» (С.Толстов), машҳур шарқшунос олим Д.Сартон «Хоразмий барча замонларнинг энг улуғ математикларидан биридир... Жаҳон фани тарихининг IX аср биринчи ярми ҳеч муболағасиз Хоразмий даври деб аташимиз лозим», - деган эди.

Минтақамиз биринчи Ренессанс алломаларидан бири А.Фарғонийдир. У томонидан IX асрда яратилган «Астрономия асослари» фундаментал асарида

оламнинг тузилиши, Ернинг ўлчови ҳақидаги дастлабки маълумотлар, сайдерамизнинг шарсимон кўринишга эга экани хусусидаги далиллар мавжуд бўлиб, мазкур китоб XVIII асрга қадар Европа университетларида астрономия бўйича асосий дарслик сифатида ўқитилиб келинган ҳамда Буюк географик кашфиётлар даврида Колумб, Магеллан ва бошқа саёҳатчиларнинг кашфиётлари учун илмий асос бўлиб хизмат қилган. Аҳмад Фарғонийнинг амалий ютуқларидан бири, унинг Ўрта асрлардаги асосий астрономик асбоб – устурлоб назариясини ишлаб чиққани ва Нил дарёсида «нилометр» деган, кўп асрлар давомида сув сатҳини ўлчайдиган асосий восита сифатида хизмат қилиб келган иншоотни яратгани бўлди.

Истеъдоднинг ақлий қобилиятлар кўриниши қўйидаги жараёнлар билан боғлиқ. Шарқда «иккинчи муаллим» дея ном олган Абу Наср Форобий фозил жамиятни шундай тасвирлаган эди: «Давлатнинг вазифаси инсонларни баҳтсаодатга олиб боришидир. Бу эса илм ва яхши ахлоқ ёрдамида қўлга киритилади»[6:6]. Форобийнинг фикрича, фазилатли шаҳарни ё пайғамбар, ё файласуф ва ё фазилатли (салоҳиятли, истеъдодли) киши идора қиласди. Файласуфлар, фазилатли кишиларнинг мақсадлари билан пайғамбарларнинг ғояси бирдир. Пайғамбарлар ҳақиқатни заҳирий орқали ўргансалар, файласуфлар ва фазилатли кишилар ҳақиқатни ақл йўли билан топадилар ва ўргатадилар.

Форобий ўзининг «Фозил одамлар шахри» китобида, «Одамнинг яхши ишлар қилишга ва гўзал хулқлар соҳиби бўлишга даъват этувчи ички (ахлоқий) сифатлар фазилатлар деб аталади», дейиш билан бирга, «Одамни хунук хатти-ҳаракатлар ва иллатли ишларга даъват этувчи иштиёқлар разолат дейилади», деб аниқ асослаб кўрсатган. Шарқ кишисининг тафаккур тарзи ва ахлоқий меъёрларини белгилаб берадиган бу таърифлар соғлом насл тарбиясида алоҳида ўрин тутади. Инсон ўзидағи муайян хусусиятларни фазилат даражасига кўтаришга интилиши комилликка интилиш белгиси ҳисобланиб, унда фидойилик, мардлик, ватанпарварлик, ҳалол турмуш тарзи билан яшаш муҳим саналади.

Интеллектуал салоҳият ҳар бир миллатнинг маданияти, маънавияти ва маърифий етуклиги асосида ривожланади. Унинг ижтимоий воқелик сифатида ривожланиши давомийлик, ворисийлик, тарихийлик касб этади. Интеллектуал салоҳият ҳам бошқа маданий, маънавий-ахлоқий қадриятлар қаторида, кишилик жамияти тарихий тараққиёти жараёнида шаклланиб боради.

Интеллектуал бойлик асрида юксак интеллектуал салоҳиятга эга халқ жадал ривожланади. Демак, тараққиёт учун энг муҳим мезонлар – маърифат, илм, таълим-тарбия, унга уйғун бўлган маънавият, ахлоқий қадриятлардир.

Бизнинг фикримизча, интеллектуал салоҳият деганда, энг аввало, ақл, онг, матонат, идрокнинг маърифат, маънавият ва ахлоқий қадриятлар билан узвий боғлиқлиги тушунилади. Албатта, шуни англаш тараққиёт сари юксалишда алоҳида аҳамият касб этади.

Ёшлар интеллектуал салоҳиятини ривожлантиришнинг назарий асосларига таъсир этувчи омиллардан бири бу Ғарб файласуфларининг қарашларидир. Арасту «Донолик – фазилатми ё йўқми? Саволига жавоб бериб, у шундай дейди. Донолик – фазилат эканини оқиллик билан билиш мумкин. Чунки оқиллик кўнгилнинг ақлли қисмига хос фазилатдир. Оқиллик майда нарсаларга эътибор бергани учун доноликдан паст туради. Масалан, ақлли одам шу кунларда яхши яшашга интилади, доно одам эса охиратдаги баҳт-саодатни ҳам ўйлайди. Оқиллик – фақат ҳозирги вақтда инсон учун фойдали нарсаларга, донолик – мангу ва илоҳий нарсаларга эътибор беради. Қуи мавқедаги оқиллик – фазилат экан, олий мавқедаги донолик ҳам фазилат экани равшандир[7:7].

Зукколик, закийлик (Synesis - синесис) нима? Саволига Арасту: зукколик ҳам оқиллик каби хатти-ҳаракат ва қилмишларда кўринади. Зукко одам (ҳар қандай қийин вазиятларда) аниқ фикрлаб, вазиятни тушуниб, тўғри йўл топа олади. Зукколик оқил одамнинг бир жиҳатидир. Зукколикни оқилликдан ажратиш мумкин эмас. Демак, топқир одам кичикроқ, майдароқ ишларда ўзини кўрсата олади[8:8].

Баркамол, комил инсонни (teleos spoydaios) маънавий гўзал одам, дейдилар. Маънавий гўзал деб, одамнинг фазилатларига қараб айтилади: адолатли, мард, оқил ва бошқа фазилатларга бой одамни маънавий гўзал инсон деймиз, дейди Арасту.

Арастунинг бу фикри яхши одамларга нисбатан тўғри. Кўпчилик одамларга нисбатан нотўғри. Кўпчилик одамлар бойлик, мансаб ва шу кабилар маънавий покланиш учун хавфли эканини билиб туриб ёки билмасдан, бутун вужуди билан шуларга интиладилар. Улар бойлик ва мансабдан шахсий бойлик орттириш, пора олиш, юлғичлик қилиш учун фойдаланади ва оқибатда гуноҳга ботади.

Форобий инсонни тадқиқ этар экан, у инсон шахсини шакллантирадиган, уни бошқа мавжудотлардан ажралиб турадиган инсоний хислатлар фаол ақл ҳисобланади, дейди. «Бу қувват ўйлаш, мулоҳаза юритишига қобил, аммо ҳаётга татбиқ этиш, яъни жорий қилишга қобил

эмас»[9:9]. Форобий инсоннинг руҳий-маънавий ўз-ўзини ташкиллаштиришнинг, комиллик ва баҳту саодатлигини унинг ўзидан, ақл, тафаккур, ихтиёр, фазилат ва қувватларидан излайди. Унинг фикрича, комил инсон (ўз-ўзини ташкиллаштира оладиган инсон) муҳим фазилатларга эга бўлиши лозим. Бу жойда Форобийнинг «фазилат» тушунчаси орқали кўрсатиб ўтганларини хусусият дейиш мумкин. Яъни, фазилат инсоннинг ўзлигини англаб камол топишидаги маънавий-ахлоқий хусусиятидир. Шу маънода инсон маънавий қиёфасини тадқиқ этиб, бунда у билим ва ахлоқийликнинг уйғунлашувини кўради. Фазилат тушунчасига таъриф бериб, шундай ёзади: «Одамни яхши ишларни қилишга ва гўзал хулқлар соҳиби бўлишга даъват этувчи ички (ахлоқий) сифатлар фазилатлар деб аталади»[10:10]. Комил инсон фаолиятидаги бу уйғунлик ундаги энг олий мақсад – баҳт-саодатга эришишга асос бўлиб хизмат қиласиди.

3. Таълим-тарбия тизими жараёнлари – интеллектуал салоҳиятни ривожлантиришнинг назарий асосларидан бири. Жамиятдаги ҳар қандай ўзгаришлар, аввало таълим тизими орқали ва унинг воситасида амалга оширилади. Янгиланган Конституциямизнинг 50-моддасида ҳар ким таълим олиш хуқуқига эгалиги белгиланган[11:11]. Лекин танганинг иккинчи томони бўлганидек, мазкур хуқуққа мос равишда, энг минимал талаб сифатида умумий ўрта таълимнинг мажбурийлигини белгиловчи норма ҳам Асосий Конунимизда ўз ифодасини топиши лозим.

2020 йил 23 сентябрда янги таҳрирда «Таълим тўғрисида»ги Конун қабул қилинди[12:12]. Бу қонун 11 боб 75 моддадан иборат. Янги қонунга мувофиқ 12 йиллик мажбурий таълим 11 йилликка ўзgartирилди. Янги қонуннинг 73-моддасида унинг ижросини кенг оммага етказиш, моҳият ва аҳамиятини тушунтириш вазирлик ҳамда манфаатдор қўмита ва ташкилотлар зиммасига юклатилди. Албатта, янги қонун аввалгисидан қўйидаги жиҳатлар билан фарқ қиласиди. Биринчидан, салкам чорак аср амал қилган қонун ижросида кўзга ташланган ва йўл қўйилган камчиликлар, давр тақозоси билан киритилган ўзgartириш ва қўшимчалар чуқур таҳлил қилинди. Иккинчидан, уни тайёрлашда бугунги глобаллашув, халқаро тажриба, барча соҳадаги интеграция жараёнлари ва замонавий ахборот технологиялари инобатта олинган.

«Таълим тўғрисида»ги қонуннинг яна бир янгилиги – тегишли худудларнинг, соҳалар ва тармоқларнинг кадрларга бўлган эҳтиёжларидан келиб чиқиб, давлат таълим муассасаларига мақсадли ўқишига қабул қилиш билан боғлиқ норманинг киритилганлигидир. Бу эса узоқ ва чекка худудлардаги маълум касб эгаларига бўлган эҳтиёжни ўша худудда

яшайдиган ёшлар ҳисобидан қондиришга хизмат қилиш билан бирга, жойларда ижтимоий-иқтисодий объектлар фаолиятини жонлантиришга ҳамда фуқароларнинг кундалик фаолиятида турмуш тарзида катта ўзгаришларга олиб келади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 30 октябрдаги «Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш Концепцияси»[13:13], 2020 йил 6 ноябрдаги «Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора тадбирлари тўғрисида»ги Фармони қабул қилинди[14:14]. Мазкур ҳужжатларда замонавий таълим ва соҳа мутахассислари фаолиятига нисбатан туб ислоҳотларни амалга ошириш вазифалари белгилаб берилди. Албатта, бу жараён «Инсон қадри» тушунчаси «ижтимоий давлат» тушунчаси билан чамбарчас боғлик.

4. Яратувчилик, ижодкорлик хислатларини ривожлантириш маънавий тарбиянинг асоси. Маънавий етуклиқ жамият ривожида, ёшларнинг мукаммаллик сари интилишида омил бўлиб хизмат қилмоқда. Ёшлар бу омилни эгаллашга қодир эканлигини ижтимоий ҳаётнинг ҳар бир соҳасида намоён этиш мумкин ва бу ҳолатлар ёшлар ҳаётига, ижтимоий онгига таъсир этувчи асосий омиллардан бири ҳисобланади. Абдурауф Фитрат сўзи билан айтганда, «Ёшларнинг феъл-атвори, хулқ-одоби, етуклиқ ва камолоти, жасорату шижаоти ўзига ҳам, жамият, миллатга ҳам манфаат келтирмоқда ва теран ақл, ирфоний заковат, ахлоқий етуклиқ, ўзлигини англаш, миллий ғурур ва ифтихор, илм-маърифат, маънавий жасорат орқали ривожланмоқда»[15:15].

Аллома Суқрот шундай деган: «Қалбни даволамасдан танани даволаб бўлмайди, чунки ҳар иккаласи ягона одамда мужассам». Шунинг учун ўзини шакллантириб бориш ана шу фикримизга асосланиши лозим.

Суқротнинг наздида инсондан ташқарида фалсафа йўқ. Агар шу нуқтаи назардан ёндашсак, «Бизнинг фалсафамиз қалбимиз ва ҳаётимиз тарихи демакдир: биз ўзимизни қандай идрок этсак, умуман инсон ва унинг ўрни ҳакида ҳам шундай фикрлаймиз». Суқрот инсонни, унинг билиш хусусиятлари, ахлоқи ва ақлини фалсафий изланишлар марказига қўяр экан, энг аввало, у ҳаёти, турмуш тарзи ва фикрлашини ўз гояларига монанд қилишга баркамоллик, кенг дунёқараш билан амалий турмуш, сўз билан иш ўғуналиги, айнанлигига интилиш ўзига хос хислат бўлиб қолади.

«Ўзгаларни ўзгартироқчи бўлган инсон, аввал, ўзини ўзгартириши лозим». Суқротнинг ушбу даъвати унинг ахлоқий фалсафасини ифода этади. Биринчидан, дунё билан инсон ўртасидаги алоқадорлик икки томонламадир. Улардан бирини устун қўйган заҳоти, ё мутлақ прагматизм ёки мутлақ

релятивизм вужудга келади. Сүкрот ахлоқ, ақл, идрокни улуғлагани билан инсонни борлиқдан ажратмайди, илоҳий куч уни ҳам ўз таъсир доирасида ушлаб туради. Иккинчидан, инсон, айниқса ёшлар пассив объект эмас, унга изланиш, ён-атрофни ўзгартириш хос. Бирок бу саъй-ҳаракат, ўзгартиришлар, «ўзгартириш учун» бўлмаслиги керак, чунки барча ўзгариш негизида инсон маънавиятининг такомиллашуви ётади. Учинчидан, ташқи дунёning ўзгариши кишига, том маънода, баҳт келтирмайди, чунки ўзгарган ташқи дунёни қабул қилишга, у билан уйғун яшашга лойик ички дунё, руҳий-маънавий олам ҳам зарур. Ҳатто, Сүкрот фикрича, аввал маънавий-руҳий оламни ўзгартириш зарур, кейин ҳаётни, ташқи дунёни ўзгартириш мақсадга мувофиқдир.

Фридрих Ницше «Сүкрот нима иш қилган, нимани айтган ва айтмаган бўлмасин мен ҳамма-ҳаммасида унинг жасорати ва донишмандлигидан ҳайратланаман»[16:16]. деган эди. Ницше диний дунёқарашдан илмий дунёқарашга ўтишни ёқлайди. Лекин ўтиш орасида яна бир – ўтишни тайёрловчи фикрлар тизими бўлишини маъқуллайди[17:17].

Ҳақиқатан ҳам, интеллектуал салоҳият инсон ва жамият фаолиятининг ҳамма қирраларида намоён бўлади. Мазкур жараён маънавий баркамоллик, билим, ижодий изланиш, таълим-тарбия мақкуравий етуклик, масъулият, фидокорлик орқали юзага чиқади.

5. Дунёвий ва диний билимларнинг муштараклиги. Баъзи манбаларда, хусусан А.Бобоевнинг тадқиқотлари «дунёвийлик ва динийлик» бир-бирига зид аспектлар сифатида таърифланади. «Дунёвийлик» ва «динийлик» ўртасидаги қарама-қаршилик мутлақо йўқолмайди... айrim манбаларда турли кўринишларда очиқ ёки яширин даъват этади», дейди. Аммо, назаримизда олимнинг ушбу фикри динийлик ва дунёвийликнинг радикал бўлган ақидапарастлик ёки атеизмга нисбатан тўғри бўлади дейиш мумкин. Чунки баъзи диний китоблардаги фикрлар дунёвий билимларнинг ривожланишига ҳисса қўшганлигини ҳеч ким инкор этолмайди. Даҳрийлик ва динни жамият учун афюн деб ҳисобланиши бошимиздан ўтказдик. Шу боисдан ҳам бизнинг назаримизда, дунёвий ва диний билимларнинг бир-бирига уйғунлиги тўғрисидаги фикрни қўллаб-куватлаймиз.

Бошқача айтганда, дунёвий демократик давлатнинг асосий парадигмалари сифатида қуийдагиларни келтириб ўтиш мумкин:

1) давлатнинг диний ва мафкуравий манбалардан мустақил эканлигининг қонун асосида мустаҳкамланганлиги; 2) ҳар қандай диний мафкуранинг давлат бошқарувининг мутлак сувренитетига қарши қўйилишига йўл қўйилмаслиги; 3) мафкурани тарғиб қилишга йўналтирилган

диний билимларнинг давлатдан ажратилганлиги; 4) мажбурий дин ёки мафкуранинг йўклиги; 5) диний ташкилотларнинг эркин фаолият юритиши учун қонуний шароит яратилганлиги; 6) диний билимларнинг қонун олдида тенглиги; 7) давлат таълим тизимининг дунёвий характерга эга эканлиги; 8) дин ёки мафкуранинг мажбуран үрнатилишига йўл қўйилмаслиги каби хусусиятлар баён этилган.

Юртимизда давлат ва дин ўртасидаги муносабатлар секуляризм тамойилига асосланган бўлиб, бу ҳолат ижтимоий барқарорликнинг бардавомлигини таъминлашга хизмат қилмоқда. «Ислом – ҳақиқатни англаш демакдир, у одамзотни эзгу амалларни бажаришга ундейди, ҳар биримизни яхшилик ва тинчликка чорлайди, ҳақиқий инсон бўлишни ўргатади»[19:19].

2021 йил 5 июлда янги таҳрирдаги «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги қонун қабул қилинди. Ушбу қонун конфессиялараро тотувликни таъминлаш, жамиятда турли дин ва эътиқод вакиллари ўртасида ўзаро бағрикенглиқ, ҳамжиҳатликни янада мустаҳкамлашда ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилишини алоҳида таъкидлаш лозим. Мазкур қонун ўтган давр мобайнида фуқароларнинг диний эътиқодини амалга оширишда дуч келаётган муаммоларни бартараф этиш, диний таълим олиш ҳамда диний ташкилотларнинг эркин фаолият юритишни таъминлаш, динлараро ва миллатлараро низолар келиб чиқишининг олдини олишга хизмат қиласи.

“Жамият ҳаётида дунёвий ва диний омиллар ўртасидаги соғлом мувозанатни тўлиқ таъминлашга ёрдам берадиган, кучли тарбиявий салоҳиятга эга ва халқимиз маънавиятини асрлар мобайнида мустаҳкамлашга хизмат қилиши лозим. Шу боисдан ҳам, дунёқарashi кенг, маънан баркамол инсонни шакллантиришга хизмат қиладиган ғоявий тарбия механизмининг таъсири камайгани сезилмоқда” [20:20].

Шунингдек, 2025 йил 25 февралда “Ўзбекистон Республикасида фуқароларнинг виждон эркинлигини таъминлаш ва диний соҳадаги давлат сиёсати концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ЎРҚ-1037-сонли Қонуни ҳам давлат сиёсатининг мақсади, вазифалари, принциплари ва устувор йўналишлари белгилаб берилиб, барқарор муҳитни таъминлашга қаратилди. Бугунги кунда “...катта маълумотлар таҳлили ва киберфизик тизимларнинг ҳаётда кенг қўлланилиши, сунъий интеллектнинг ривожланиши ва инсоният ҳаётининг барча жабҳаларига жадал кириб келиши жараёнида ҳам қатор янги таҳдидлар вужудга келмоқда”[21:21]. “Жаҳонда сунъий интеллект ва замонавий технологиялар шиддат билан ривожланаётган бўлса, ушбу соҳага оид халқаро ҳуқуқ ҳалигача етарли даражада тартибга солинмаган. Соҳани

хуқуқий жиҳатдан тартибга солиш, кибермаконда хавфсизликни таъминлаш борасида универсал ёндашув ҳам шаклланмаган”. Шу боисдан ҳам 2025 йил 21 апрелда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Фуқароларнинг виждан эркинлиги ҳуқуқи кафолатларини янада мустаҳкамлаш ҳамда диний-маърифий соҳадаги ислоҳотларни янги босқичга олиб чиқсан чоратадбирлари тўғрисида”ги Фармонида “жаҳолатга қарши маърифат” эзгу умуминсоний ғояси илгари сурилди.

Демак, ёшлар улуғ аждодларимизнинг мурожаат ва васиятларида айтилганидек, фақат теран илм, доимий изланиш, дунё ва охиратни унутмаслик асосида ҳаракат қилишлари мумкин.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР (REFERENCES)

1. Маънавият: асосий тушунчалар изоҳли луғати.-Т.: Фоур Ғулом номидаги НМИУ, 2016.-Б.71.
2. Фалсафа: Энциклопедик луғат.-Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти, 2010.-Б.298.
3. <https://lex.uz/acts/3026246>
4. Шайхова Х. Интеллектуал салоҳият-тараққиёт мезони.-Т.: O'zbekiston, 2011.-Б.13.
5. Маънавият: асосий тушунчалар изоҳли луғати.-Т.: Фоур Ғулом номидаги НМИУ, 2009.-610-611-бетлар; Ўрта аср Шарқ алломалари ва мутафаккирлари энциклопедияси, Бухорий халқаро марказ нашриёт, 2016.-445-449-бетлар.
6. Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шахри.-Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1993.-182-бет.
7. Арасту. Поэтика. Ахлоқи кабир. Риторика.-Т.: Янги аср авлоди, 2011.Б.179.
8. Арасту. Поэтика. Ахлоқи кабир. Риторика.-Т.: Янги аср авлоди, 2011. Б.176.
9. Форобий. Фозил шаҳар аҳолиси фикрлари. Байрут: Дарулироҳ, 1995.-Б.35.
10. Форобий. Социально этические трактаты. Алма-ата, 1975.-С.35.
11. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси.-Т.: Адолат миллий хуқуқий ахборот маркази, 2023.Б.17.
12. <https://lex.uz/docs/5013007>
13. <https://lex.uz/docs/5013007>
14. <https://lex.uz/docs/5073447>

15. Шайхова Х. Интеллектуал салоҳият – тараққиёт мезони. Т.: O’zbekiston, 2011.-Б. 13
16. Ницше Фридрих. Зардушт тавалласи.-Т.: Янги аср авлоди, 2007.Б.348.
17. Бобоев А. Ҳозирги даврда динийлик ва дунёвийликнинг ўзаро муносабати ҳақида // Дунёвийлик фалсафаси: мақолалар тўплами.-Тошкент, ТДИУ, 2007.-Б.119.
18. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз.-Тошкент, Ўзбекистон, 2017. Б.30.
19. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси. –Т.: “O’zbekiston” нашриёти, 2022.-282-бет.
20. Мирзиёев Ш.М. Ҳозирги замон ва янги Ўзбекистон. –Т.: “O’zbekiston” нашриёти, 2024.-24-26-бетлар.